

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЎҒИРЛИК ЖИНОЯТЛАРИНИНГ УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ҲОС ҲУСУСИЯТЛАРИ

Хошимов Асилбек Алишер ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси

Курсанти

E-mail: xoshimovasilbek103@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш, ҳуқуқбузарликларга қарши курашда профилактиканинг аҳамияти, ушбу фаолиятда ўғирлик жиноятларининг умумий профилактикаси бўйича фаолиятининг тушунчаси ва аҳамияти, ўғирлик жиноятига қарши курашда профилактикани ташкил этиш, бу жажаённинг ўзига ҳос ҳусусиятлари ҳамда ташкилий-ҳуқуқий асослари, процессуал жиҳатлари, расмийлаштирилладиган ҳужжатлар, фаолиятини ташкил этиш ҳақида мақоламизда тўлиқроқ маълумот берилди.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузарлик, профилактика, ўғирлик жинояти, профилактика инспектори, фирибгарлик жиноятини профилактика қилиш, огоҳлантириш, барҳам бериш, жиноятчиликнинг олдини олиш.

ОСОБЕННОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ИНСПЕКТОРА ПО ПРОФИЛАКТИКЕ В ОБЩЕМ ПРЕДУПРЕЖДЕНИИ КРАЖНЫХ ПРЕСТУПЛЕНИЙ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрены организация инспекторов-профилактиков по профилактике правонарушений, значение профилактики в борьбе с преступностью, понятие и значение деятельности инспекторов по общей профилактике краж, преступлений в этой деятельности, организация профилактики в Борьба с преступностью кражи, особенности этой организации, а также организационно-правовые основы, процессуальные аспекты, формализованная более подробная информация об организации документов и деятельности приведены в нашей статье.

Ключевые слова. преступление, профилактика, кража преступления, инспектор по предупреждению, мошенничество, профилактика преступлений, предупреждение, пресечение, профилактика преступлений.

Ўзбекистон Республикаси ўз олдига иқтисодий ривожлантиришни босқичма-босқич ўтиш йулини танлаган. Демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини куришда давлатнинг барча соҳаларини ривожлантириш, бу жараёнда ҳуқуқбузарликларга қарши кураш, фуқароларда уларнинг ҳар қандай турига мурасимсиз муносабатни шакллантиришга ҳаракат қилинади. Жамият ривожланиб борар экан, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни содир этиш механизмлари ҳам мураккаблашиб боради.

Ўзбекистонда олий кадрлар деб тан олинган инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шани, кадр-қиммати ва бошқа дахилсиз ҳуқуқлари таъминланишини янада мустаҳкам кафолатлаш мақсадида суд-ҳуқуқ, хусусан ички ишлар органлари тизимидаги амалга оширилиётган ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида 2016 йил 16 сентябрда Ўзбекистонда Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди ¹.

Демократик жамиятда жиноятчиликка қарши кураш фақат жиноятҳуқуқий таъқиб воситасида эмас, балки жиноятларнинг олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда баргараф этиш чоратадбирларини комплекс қўллаш орқали олиб борилади.²

Жиноят учун жазо бергандан кўра, унинг олдини олган маъқуллиги умум эътироф этилган. Бу – ҳар қандай ижобий қонунчиликнинг бош вазифасидир. Ҳозирги вақтда ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий, салбий ҳодисаларга нисбатан қўлланилган “жиноятчиликнинг олдини олиш”, “профилактика қилиш”, “огоҳлантириш”, “тўхтатиш”, “барҳам бериш” каби атамалар нафақат умумий адабиётларда, балки ҳар хил норматив ҳужжатларда, шунингдек вақтли матбуотда ҳам кўп учрайди. Бу атамалар ИИВ, ДХХ, адлия, прокуратура, суд, солиқ, божхона, чегара хизматлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалий ходимлари, шунингдек жамоат ташкилотларининг жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича муайян вазифаларни бажарувчи вакиллари томонидан кенг қўлланилади. Ушбу тушунчаларнинг қонунчиликда берилган таърифи қуйидагилардан иборат:

- **Ўғирлик**³ – бу ўзганинг мулкини яширин равишда талон-тарож қилиш, яъни ўғирлик жабрланувчи ёки бошқа шахслар йўқлигида ёки улар бор бўлса-да, уларга билдирмасдан ўзганинг мол-мулкини яширинча талон-тарож қилиш тушунилади. Хонадонларда содир этиладиган ўғирликларнинг криминалистик таснифи – маскур жиноятни содир этишга мойил бўлган шахсларнинг энг муҳим

¹ <http://lex.uz> (Национальная база законодательства Республики Узбекистан)

² Ш.Мирзиёев. Президент ИИОлари вакиллари билан соҳа ислохотларини муҳокама. Ўз ТВ. lex.uz.

³ И. Исмаилов, А. А. Хамдамов, Б. Э. Закиров ва бошқ.; Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори Д. М. Миразов. Ўғирлик жиноятларини очиш, тергов қилиш, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва баргараф этиш: Амалий-услубий қўлланма /– Т. : Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 107

белгилари билан боғлиқ маълумотлар йиғиндиси бўлиб, маскур жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этишни белгилаб беради;

- **ҳуқуқбузарликлар профилактикаси** — ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими;

Ўғрилик бугунги кунда энг кўп тарқалган жиноятлардан биридир. Ўғриликнинг криминалистик тавсифи ушбу жиноятларнинг энг муҳим белгиларини, жиноят содир этилган шарт-шароитни, содир этиш усулини, уни содир этишга мойил бўлган шахслар ҳақидаги маълумотлар йиғиндисини ўз ичига олади ва тергов қилишда самарали натижаларга эришишни таъминлайди.

Профилактика инспекторлари ўғирлик жиноятларининг содир этилишига қарши барвақт курашиш учун ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини олиб боришда умумий профилактикада ўтказиладиган чора-тадбирлардан яна бир муҳим жихати аҳоли орасида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш ҳуқуқбузарликларни олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Сабаби ўз вақтида амалга оширилган тадбир натижасида етказилиши мумкин бўлган кўпгина зарарнинг олди олинади. Ўғирлик содир этилиши виктимлиги юқори бўлган жойларда хавфсизликни таъминлаш мақсадида постлар ташкил этилиши ёхуд камералар билан ҳам жихозланиши мумкин. Виктимлиги юқори бўлган шахслар алоҳида шуғилланиб, уларнинг жабрланиш эҳтимолини камайтириш буйича барча чораларни профилактика инспекторлари томонидан кўрилган бўлиши лозим.

Профилактика инспекторлари ўғирлик жиноятининг умумий профилактикасини режалаштириш ва амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармон, қарор ва фаройишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари ҳамда ИИВнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига асосланади. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ушбу турдаги чора-тадбирлари асосан профилактика хизматлари тизимининг қуйи бўғини томонидан олиб борилади. Туман (шаҳар) ИИБ ХПБ (бўлим, бўлинмалари) ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бевосита ташкилотчилари бўлиб, улар бу жараённи ташкил этишда юқори бўғин (Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ХПБ, Тошкент шаҳар ИИББ ХПБ ва

вилоятлар ИИБ ХПБлари) томонидан тасдиқланган ҳуқуқий тарғибот мавзулари режаларига ва методик тавсияларига асосланади ⁴.

Ўғрилик жиноятлари умумий жиноятчиликнинг катта қисмини (30,4%ни) ташкил этади. Мазкур жиноий қилмишлар оқибатида жисмоний ва юридик шахсларга жуда катта миқдорда моддий зарар етказилади. . Ушбу турдаги жиноятларни асосан эркаклар (89,1 %) содир этмоқда, аммо охириги икки йил давомида аёлларнинг ҳиссаси (10,9%) ҳам ошган. Олий ва тўлиқсиз олий маълумотлилар 52,3%ни, ўртаумумий ва ўрта маълумотга эга шахслар ўртача 47,7% ни ташкил қилади. Мазкур турдаги жиноятларни содир этганларнинг 84,9 % ини 30 ва ундан катта ёшдагилар ташкил қилади. Чунончи, бу турдаги жиноятларни содир этишга мойиллик чўққиси 30 – 50 ёш бўлиб, бу энг криминоген ёш ҳисобланади .

Жумладан, 16–17 ёшдагилар 0,02 %, 18–25 ёшдагилар 4,0 %, 26–30 ёшдагилар 11,0 %, 31–35 ёшдагилар 20 %, 36–45 ёшдагилар 30 %, 46–55 ёшдагилар 26,6 %, 56 ва ундан катта ёшдагилар 8,3 % ни ташкил қилади. Республикада содир этилган ўғрилик жиноятларининг таҳлили асосида тадқиқ қилинаётган жиноятни келтириб чиқарувчи омилларнинг бевосита ёки билвосита таъсир этишини инобатга олиб, уларни икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- а) билвосита (умумий) омилларга маънавий-маърифий; сиёсий, бошқарув-ташкилий; ижтимоий-иқтисодий омиллар кирса;
- б) талон-торожни келтириб чиқарувчи бевосита (умумий) омилларга ишсизлик, ўзи ва оиласини таъминлаш учун даромадларининг етишмаслиги; ноқонуний бойишга интилиш; микромуҳитнинг таъсири; қонунга ҳурматсизлик билан қараш; мулкларнинг етарли даражада ҳимояланмаганлиги; мулклар устидан назоратнинг сустлиги; талон-торожлик содир этилиши учун шароит яратилиши; мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, ташкилот ва муассасаларда моддий бойликлар ва пул маблағлари ҳисоботининг нотўғри олиб борилиши киради. ⁵

Жамиятда ўғрилик жиноятини олдини олишда ёхуд камайтиришда умумий чора тадбирлардан куйидагиларни айтиб ўтишимиз мумкин:

- иқтисодиётда янги иш ўринлари ташкил этилиши, аҳоли бандлигининг самарали тизимини яратиш ва такомиллаштириб бориш ;
- саноат ва ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий технология жараёнларини жорий этиш;

⁴ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги 2017 йил 12 июлдаги 151-сон буйруғи

⁵ <http://www.statista.com>

–қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш жараёнида комплекс механизациялаштирилган корхоналарни яратиш каби харакатлар натижасида жамиятдаги умуман олганда ҳуқуқбузарликлар сони камайтириш мумкин.

Фойдаланган адабиётлар:

1. <http://lex.uz> (Национальная база законодательства Республики Узбекистан)
2. Ш.Мирзиёев. Президент ИИОлари вакиллари билан соҳа ислохотларини муҳокамаси. Ўз TV. lex.uz.
3. И. Исмаилов, А. А. Хамдамов, Б. Э. Закиров ва бошқ.; Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори Д. М. Миразов. Ўғрилик жиноятларини очиш, тергов қилиш, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш: Амалий-услубий қўлланма /– Т. : Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 107 б
4. Мухамедов Ў.Х. Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари тизимидаги ислохотлар: биринчи босқич яқунлари ва истиқболдаги вазифалар // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2017. – № 4. – Б. 5, 10.
5. <https://lex.uz/docs/2387357> 3-боб. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси 23-модда. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари
6. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги 2017 йил 12 июлдаги 151-сон буйруғи
7. Ўзбекистон Республикасининг Ма’мурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2021.
8. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни.
9. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни.
10. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисида”ги 4947-сонли фармони.